

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚЛАРИ

Динимизда қўшничилик ҳақларига риоя қилиш муҳим ишлардан ҳисобланади. Зеро, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамланишида қўшниларининг ўрни беқиёсдир. Қўшничилик ҳақ-хуқуқлари деганда шариатимиз юзасидан қўшниларининг бир-бирларига нисбатан риоя қилишлари лозим бўлган мажбуриятлари тушунилади. Қўшниларининг мартабалари ҳақида Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: **الْجِيرَانُ ثَلَاثَةٌ: جَارٌ لَهُ حَقٌّ وَاحِدٌ وَهُوَ أَذَى الْجِيرَانِ حَقًّا، وَجَارٌ لَهُ حَقَانٌ، وَجَارٌ لَهُ ثَلَاثَةٌ حُقُوقٌ وَهُوَ أَفْضَلُ الْجِيرَانِ حَقًّا؛ فَأَمَّا الْجَارُ الَّذِي لَهُ حَقٌّ وَاحِدٌ فَالْجَارُ الْمُشْرِكُ لَا رَحِمَ لَهُ وَلَا لَهُ حَقُّ الْجَوَارِ، وَأَمَّا الَّذِي لَهُ حَقَانٌ فَالْجَارُ الْمُسْلِمُ لَا رَحِمَ لَهُ وَلَا لَهُ حَقُّ الْإِسْلَامِ وَحَقُّ الْجَوَارِ، وَأَمَّا الَّذِي لَهُ ثَلَاثَةٌ حُقُوقٍ فَجَارٌ مُسْلِمٌ ذُو رَحِمٍ لَهُ حَقُّ الْإِسْلَامِ وَحَقُّ الْجَوَارِ وَحَقُّ الرَّحِمِ، وَأَذَى حَقِّ الْجَوَارِ أَلَّا تُؤْذِيَ جَارَكَ بِقِتَارٍ قَدْرِكَ إِلَّا أَنْ تَقْدَحَ لَهُ مِنْهَا** (رواه الإمام البزار)

яъни: “Қўшнилари уч хил бўлади: биринчиси, битта ҳақи бўлган қўшни бўлиб, бу қўшниларининг ҳақи энг оз даражада бўлган тоифасидир. Кейингиси, иккита ҳақи бўлган қўшни. Яна бири учта ҳақга эга қўшни бўлиб, бу қўшниларининг ҳақи энг кўп бўлгандир. Битта ҳақга эга қўшни бу ўртада қариндошчилиги бўлмаган мушрик қўшидир. Унда фақатгина қўшничилик ҳақи бор. Иккита ҳақи бўлган қўшни бу қариндош бўлмаган мусулмон қўшидир. Унда мусулмонлик ва қўшнилик ҳақлари мавжуд. Учта ҳақга эга бўлган қўшни эса мусулмон, қариндош қўшидир. У мусулмонлик ҳақи, қўшничилик ҳақи ва қариндошлик ҳақларига эга. Қўшничилик ҳақининг энг қўйи даражаси қозонингдаги овқатнинг ҳиди билан ҳам озор бермаслигиндир. Фақат унга ҳам овқатингдан берадиган бўлсанг ҳиди чиқса майли” (Имом Баззор ривояти).

Демак, қўшнилари асосан уч хил бўлади:

1. Мусулмон бўлмаган қўшни.

Бундай кўшнида фақат кўшничилик ҳақи мавжуд.

2. Қариндош бўлмаган мусулмон кўшни.

Бунинг ҳақлари икки томонлама: кўшничилик ҳақи ва мусулмонлик ҳақи.

3. Мусулмон, қариндош кўшни.

Бундай кўшниларининг ҳақи уч томонлама собит бўлади.

Кўшничилик ҳақи, мусулмонлик ҳақи ва қариндошлик ҳақи.

Исломда кўшничилик мажбуриятлари жуда ҳам кўп, аммо уларнинг барчаси қуйидаги тўртта асосга бориб тақалади:

1. Кўшнига озор бермаслик ва азият етказишдан тийилиш.

Кўшнига озор етказиш шариатимизда қаттиқ қораланади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ،" قِيلَ: مَنْ يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ، "مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ: لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ"

яъни: “Аллоҳга қасамки, мўминни комил бўлмайди, Аллоҳга қасамки, мўминни комил бўлмайди, Аллоҳга қасамки, мўминни комил бўлмайди” (деб уч марта айтдилар). Шунда эй Аллоҳнинг Расули, ким мўминни комил бўлмайди? дейилди. Расулуллоҳ (сўзларини давом эттириб) “Кўшнисининг озор ва ёмонликларидан омонда бўлмайдиган кимса”, дедилар, (Муттафақун алайх). Имом Муслим ривоятида эса “, Кўшнисининг озор ва ёмонликларидан омонда бўлмайдиган кимса жаннатга кирмайди” дейилгандир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган яна бир ҳадисда қуйидагича айтадилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: " قِيلَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنْ فُلَانَةٌ تَقُومُ اللَّيْلَ وَتَصُومُ النَّهَارَ ، وَتَفْعَلُ ، وَتَصَدَّقُ ، وَتُؤْذِي جِيرَانَهَا بِلِسَانِهَا ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : لَا خَيْرَ فِيهَا ، هِيَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ ، قَالُوا : وَفُلَانَةٌ تُصَلِّي الْمَكْتُوبَةَ ، وَتَصَدَّقُ بِأَنْوَارٍ ، وَلَا تُؤْذِي أَحَدًا ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : هِيَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ (رواه الإمام

.(البخاري) ” яъни: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Эй Аллоҳнинг

Расули, фалон аёл кечаси билан намозда қоим бўлади, кундузи нафл рўзаларни тутади. Яна бошқа фалон-фалон яхшиликларни қилади, садақа беради, лекин тили билан кўшниларга озор етказади”, дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “У аёлда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир”, дедилар. Бояги кишилар: “Фалончи аёл бўлса, фарз намозларини ўқийди, кийимларидан садақа қилади, аммо бирор кишига озор бермайди”, дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ана шу аёл жаннат аҳлидандир”, дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Мазкур ҳадиси шарифларда кўни-кўшниларга озор бермаслик, уларни ҳурматларини сақлашлик нақадар зарур иш эканлиги таъкидланмоқда. Кўни-кўшниларга ёмон муносабатда бўлиб, уларга озор бериш ўқилган нафл намозлар, тутилган нафл рўзаларни ҳам ювиб кетиб, уларни фойдасиз ҳолга келтириб кўяди. Аксинча, кўшнилари билан тинч-тотув яшаган, уларга озор бермаган одам катта бахт-саодатга эришади ва аҳли жаннатдан бўлади.

2. Кўшнини ҳимоя қилиш.

Кўшнини ҳимоя қилиш ҳақида мазҳаббошимиз Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ даврларидаги бир воқеани эслашни ўзи кифоядир.

Имом Абу Ҳанифанинг ичкиликка муккасидан кетган бир кўшниси бўлиб, у кечасини мастлик, ашула ва бақир-чақир билан ўтказар, унинг дастидан Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ кечалари хотиржам мутолаа қилолмасдилар. Лекин у киши бу ҳолатга сабр қиларди. Бир кеча негадир кўшнининг овози чиқмай қолди. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган имом тонг отгач, унинг уйига чиқса, йигит уйда йўқ эди. Одамлардан суриштириб билсалар, маст ҳолатда ушланиб, қамалиб қолганлигини айтишди. Бу хабарни эшитган заҳоти Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ тўғри шаҳар ҳокими Исо ибн Мусо олдига бориб, бояги кишини озод этишларини илтимос қилди. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳурмати ва кафолати туфайли маҳбус дарҳол озод қилинди. Йигит имомни бундай олийжанобликларини кўриб, тасанно айтиб, ичкиликни ташлаб Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга шогирд бўлди. Кўшнига кўрсатилган биргина оқилона ёрдам, ҳакимона муомала туфайли фисқу фужур ботқоғига ботган кимса яхши одамлар қаторига кирди. Имомимизни кўшни билан қилган муомалалари барчамизга ибрат ва намунадир.

3. Кўшнига эҳсон ва яхшилик қилиш.

Пайғамбармиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўшнига яхшилик қилиш ва уни икром қилишга ундаб шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ جَارَهُ" (رواه الإمام البخاري والإمام مسلم).

яъни: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: **“Кимнинг Аллоҳга ва охират кунига имони бўлса, кўшнисини иззат-икром қилсин”**, (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَبَا ذَرٍّ، إِذَا طَبَخْتَ مَرَقَةً، فَأَكْثِرْ مَاءَهَا وَتَعَاهَدْ جِيرَانَكَ (رواه الإمام مسلم).

яъни: Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Эй Абу Зар, агар шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ сол ва кўшниларингдан хабар ол”** (Имом Муслим ривояти).

4. Кўшнидан етадиган азият ва озорларга сабр қилиш.

Кўшнига азият ва озор етказмаслик олижаноб кишиларнинг фазлилатидир. Салафи солиҳларимиз буни яхши англаганлар ва унга амал қилганлар.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион гоаялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” 16-Тезис, 2018 йил.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар:

لَيْسَ حُسْنُ الْجَوَارِ كَفِّ الْأَذَى، وَلَكِنَّ حُسْنَ الْجَوَارِ الصَّبْرُ عَلَى الْأَذَى

яъни: “Чиройли қўшничилик азият бермасликни ўзида эмас, балки (унинг) азиятига сабр қилишдадир”.

Қўшничилик одоблари

- қўшни билан учрашганда салом бермоқ;
- муомаласини чиройлик қилиш ва ортиқча саволларни бермаслик;
- касал бўлганда ҳолидан хабар олиш;
- мусибат етганда ёрдам қилиш ва сабрга ундаш;
- хурсандчилик кунларида хурсанд бўлиб, ёнида туриш;
- хатоларини кечириш;
- уйига рухсатсиз назар ташламаслик;
- уйининг олдида ахлат ва супуринди ташламаслик;
- ўтиш йўлларида торайтирмаслик;
- қулоққа чалинган оилавий сирларини тарқатмаслик;
- йўқлигида уйини қўриқлаш;
- унга қарши сўз айтилса ҳимоя қилиш;
- боласига ширин сўзлар айтиш;
- ҳар қандай масалаларда билмаганларини ўргатиш.

Аллоҳ таоло барчамизга қўшниларимиз билан аҳл-иноқ ва гўзал муомалада бўлишни насиб айлаб, уларнинг ҳақларини шариатга мувофиқ ҳолда адо этиш бахтига муваффақ қилсин. Омин!